# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 23 август, № 174 (8517) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

**Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан Боку шаҳрига келди.**



Ҳайдар Алиев номидаги аэропортда давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Яқуб Аюбов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон — тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига жуда ўхшаш дўст мамлакатлар. Бу дўстликнинг илдизлари эса узоқ тарихдан қувват олади.

"Авесто" китоби икки элнинг муштарак ёдгорлиги саналади. Ўзбек ва озарнинг байрами — Наврўзи бир. Халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналари — "Гўрўғли", "Ошиқ Ғариб", "Дада Қўрқут" достонлари эса азалий қардошликнинг илдизлари ҳақида янада теран сўзлайди. Уларнинг санъати, мусиқаси ҳамоҳанг. Шу жиҳатдан ҳам бу икки халқ вакили сўзлашганда тилмочга ўрин қолмайди.

Кейинги йилларда бу азалий бироддарлик, ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Икки мамлакат Президентларининг сиёсий иродаси, узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати, ҳеч муболағасиз, дўстлик алоқаларига янги руҳ бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрига келгач, Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев мангу қўним топган Фахр хиёбонига ташриф буюрди.

Ҳайдар Алиевнинг мустақил Озарбайжонни барпо этиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари беқиёс. Мамлакатнинг жадал ривожланиш даври ва халқаро майдондаги нуфузининг юксалиши айнан унинг исми билан боғлиқ.

Қардош ўзбек халқи билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга доимо алоҳида эътибор қаратган Ҳайдар Алиевни юртимизда яхши билишади. Ўзбекистонда унинг юз йиллик юбилейи кенг нишонланди. Шу муносабат билан почта маркалари босилган, турли маданий-маърифий ва илмий тадбирлар ўтказилган эди.

Тошкентда Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси номидаги кўча, унга бағишланган хиёбон ва ёдгорлик очилган.

Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби Ҳайдар Алиев қабрига гул қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Боку шаҳридаги Шаҳидлар хиёбонига борди.

Озарбайжон пойтахтининг қоқ марказида жойлашган ушбу ёдгорлик мажмуасида мамлакат озодлиги ва ҳудудий яхлитлиги йўлида қурбон бўлган юрт қаҳрамонлари дафн этилган.

Ўзбекистон етакчиси ёдгорликка гулчамбар қўйиб, Озарбайжон ватанпарварлари хотирасига эҳтиром кўрсатди.

"Зуғулба" қароргоҳида давлат ташрифи билан Озарбайжон Республикасида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президентини расман кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва рафиқаси самимий қарши олди.

Қароргоҳ майдонида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ҳарбий оркестр ижросида икки давлат мадҳиялари янгради.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Президентига ташриф билан келиш таклифи ҳамда Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Етакчилар Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, ташқи сиёсий ва бошқа идоралар, таҳлилий доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Озарбайжонда Ўзбекистон автомобилларини йиғиш, ипакчилик ва тўқимачилик кластерлари ташкил этилгани самарали ҳамкорликка мисол бўла олади.

Ташриф арафасида ўтказилган бизнес форуми натижасида янги кооперация лойиҳалари ва савдо шартномаларининг салмоқли тўплами шакллантирилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари энергетика, машинасозлик, металлургия, шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмалар, тўқимачилик, ипакчилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа тармоқларда саноат кооперациясини кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш мақсадида Ўзбекистон — Озарбайжон инвестиция компаниясининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўрта коридор орқали юк ташишни кўпайтириш, логистика ва портлар инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, янги кооперация лойиҳаларини биргаликда ишлаб чиқиш ва илгари суриш учун икки мамлакат ҳудудлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил этиш муҳимлигини қайд этдилар.

Томонлар маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш, таълим ва фан соҳасида қўшма дастурларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, кибержиноятларга қарши курашиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасида фаол мулоқотни ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари дини бир, қадриятлари, анъаналари, тили ва маданияти ўхшаш бўлган халқларимиз ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда энг юксак даражага кўтарилганини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари Озарбайжон халқини атоқли давлат арбоби, умуммиллий етакчи Ҳайдар Алиевнинг 100 йиллик юбилейи билан табриклади.

Президентлар куни кеча икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида ўтган бизнес форуми якунларини юқори баҳоладилар.

Савдо ва саноат кооперациясида жадал ўсиш кузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Яқин йилларда учинчи мамлакатлардан қиммат импортнинг ўрнини миллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон ва сифатли маҳсулотлари билан босиш орқали товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш учун барча имконият мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Саноат кооперацияси хусусида сўз борар экан, Президентлар энергетика, металлургия, фойдали қазилмалар, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика, агросаноат ва бошқа тармоқларда муҳим лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш бўйича қатъий келишувларга эришилганини олқишладилар. Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма Инвестиция жамғармасининг маблағларини фаол ўзлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, уларнинг саноат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун ҳудудий маъмуриятлар раҳбарларининг тўғридан-тўғри мулоқотини ва мунтазам учрашувларини йўлга қўйиш ғояси қўллаб-қувватланди.

Етакчилар транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш стратегик жиҳатдан муҳимлигини қайд этдилар.

Ўтган йилда Ўзбекистон юкларини Боку порти орқали ташиш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Мамлакатимиз бундан буён ҳам Озарбайжоннинг замонавий транспорт тармоғидан фойдаланиб, юк ташишни кўпайтириш ниятида.

Шу маънода, Транскаспий йўлаги доирасида қўшма логистика компаниясини ташкил этиш ҳамда Боку шаҳри ва учинчи мамлакатлар портларида омборхона инфратузилмаси ва логистика марказларини барпо этиш чоралари муҳокама қилинди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор келишувларга эришилди, шу жумладан, Маданият ва кино кунлари, ижодий ва илмий зиёлилар, ёшлар ташкилотларининг учрашувларини ўтказишга келишиб олинди.

Йиғилиш давомида ташқи сиёсий идоралар раҳбарлари, Ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари, транспорт ва энергетика, қишлоқ хўжалиги ва маданият вазирларининг музокаралар кун тартиби юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Якунда давлат раҳбарлари қўшма "йўл хариталари"ни тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини таъсис этишга топшириқ бердилар.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида Олий давлатлараро кенгаш ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, ташриф доирасида давлатлар, ҳукуматлар ва идоралар даражасида 15 та ҳужжат қабул қилинди.

2023-2024 йилларда ҳар томонлама стратегик шерикликни чуқурлаштириш бўйича "Йўл харитаси", энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида, ёшларга оид сиёсат ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Медиа соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" шулар жумласидан.

Бундан ташқари, Фуқароларнинг визасиз қатновлари тўғрисидаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, "E-permit" рухсатнома бланкларини электрон алмашиш ахборот тизимини жорий қилиш, оила ва болаларни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги борасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувларга эришилди ҳамда Хавфсизлик кенгашлари котибиятлари ўртасидаги, киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларнинг бир қатор истиқболли йўналишларида амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари ҳар доимгидек самимий меҳмондўстлик учун Озарбайжон етакчисига миннатдорлик билдирди.

— Сайловдан кейинги биринчи ташрифимни айнан Озарбайжонга амалга ошираётганим рамзий маънога эга. Бу икки томонлама ҳамкорлигимиз энг юксак даражага чиққани, яқинлашишга ўзаро интилиш борлиги, шериклик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини доим қўллаб-қувватлаб келгани ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаши таъкидланди. Шу муносабат билан мамлакатимиз етакчиси Қорабоғда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этиб, бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами ва суръатини юқори баҳолади.

Музокаралар натижалари катта мамнуният билан қайд этилди. Уларда кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида ҳеч қандай муаммоли масалалар йўқлигини таъкидлаш жоиз. Биз қардош халқларимиз манфаатлари йўлида катта салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг янги имкониятлари ва механизмларини излаш долзарб эканига урғу бердик, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг Олий давлатлараро кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг имзолангани икки томонлама муносабатларда янги босқични бошлаб бериши таъкидланди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида кўп қиррали шерикликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Давлат раҳбарлари савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси ва логистика инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бердилар. Автомобилсозлик, металлургия, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик, туризм ва бошқа тармоқлардаги йирик лойиҳалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, янги логистика занжирларини ривожлантириш ва инфратузилмани барпо этиш, юк ташиш ҳажмини кўпайтириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир драйвери сифатида икки мамлакат ҳудудларининг имкониятлари максимал даражада ишга солинади. Ҳокимлар, маъмуриятлар раҳбарлари янги кооперация лойиҳалари ва гуманитар алмашинувни илгари суриш учун жойларда мунтазам учрашадилар.

Музокараларда маданият соҳасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқинда Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари катта муваффақият билан ўтди. Ушбу тадбирлар доирасида Бокуда ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакили Абдулла Қодирийнинг озарбайжон тилига таржима қилинган "Ўткан кунлар" романи тақдимот қилинди.

Маданият ва кино кунлари, ижод ва илм-фан арбобларининг учрашувлари мунтазам ўтказиб бориладиган бўлди. Жорий йилда Ўзбекистонда биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон ёшлар форуми ташкил этилади.

Етакчилар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, МДҲ, ЕХҲТ, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқа кўп томонлама институтлар доирасида ҳам самарали мулоқотни давом эттиришга аҳдлашиб олдилар.

— Бугунги музокаралар стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга интилишимиз қатъий эканини яна бир бор намойиш этди. Саъй-ҳаракатларимиз аниқ натижаларга қаратилган, — деди Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# МУШТАРАК ИЛДИЗ ВА УЗОҚ ТАРИХГА АСОСЛАНГАН ОЗАРБАЙЖОН — ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ

## БУГУНГИ КУНДА ЗАМОНАВИЙ ДАВР ВОҚЕЛИГИГА МОС РАВИШДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Озарбайжон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифини кенг ёритилмоқда.*

*Хусусан, "АЗЕРТАДЖ" Озарбайжон давлат ахборот агентлиги, "Trend.az" халқаро ахборот агентлиги, "turkustan.az", "ru.oxu.az", "report.az", "hakkin.az", "caliber.az" сингари нуфузли ахборот-таҳлилий порталлар ва бошқа электрон ҳамда босма ОАВда Ўзбекистон раҳбарининг давлат ташрифи ва унинг доирасида ўтказилган тадбирларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилиняпти.*

### Дунё нигоҳи

Шу билан бирга, ташриф арафасида Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларига оид батафсил таҳлилий мақола ва шарҳлар чоп этилди.

"report.az" порталида жойлаштирилган ушбу мавзуга бағишланган шарҳда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш Озарбайжон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутаётгани ва бу ҳамкорлик кейинги йилларда жадал кенгайиб бораётгани таъкидланган.

"Мамлакатларимиз ўртасида 1995 йил 2 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлса-да, тарихи, дини ва маданияти, илдизлари муштарак бўлган озар ва ўзбек халқлари ўртасида қадимдан анъанавий дўстлик ва қардошлик ришталари мавжуд, — дейилади мақолада.

➡ 2

**Сенат Кенгашида**

# НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС САНАСИ БЕЛГИЛАНДИ

**Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.**

Мажлисда Сенатнинг қирқ тўртинчи ялпи мажлисини 2023 йилнинг 24 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қайд этилганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган мазкур ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама этиш режалаштирилган.

"Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига валютани тартибга солишга, ижара ва лизинг муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ер қаъри тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ялпи мажлисда Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини ўрганиш натижаларини кўриб чиқиш кўзда тутилган.

**«Халқ сўзи».**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўртинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўртинчи ялпи мажлиси 2023 йил 24 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлисни видеоконференцалоқа тарзида ўтказиш режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

**Халқаро конференция олдидан**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

*Таҳлилчиларнинг сўзларига кўра, бугунги кунда озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар ўта долзарб. Бунга аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаслик, ер ва сув ресурслари чекланганлиги сабаб бўлмоқда.*

Бу ва бошқа қатор масалалар шу йил 7-8 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияда муҳокама марказида бўлади.

16 октябрь — БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ташкил этилган санага бағишлаб ўтказиладиган ушбу халқаро анжуманга кўплаб мамлакатлардан илмий ва таълим муассасалари вакиллари таклиф этилган. Конференция доирасида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам уюштирилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу муҳим халқаро анжуманни ўтказиш ташаббускори ҳисобланади. 2022 йилнинг 15-16 сентябрида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитида ушбу ташаббус илгари сурилган.

➡ 2

# МУШТАРАК ИЛДИЗ ВА УЗОҚ ТАРИХГА АСОСЛАНГАН ОЗАРБАЙЖОН — ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ

## БУГУНГИ КУНДА ЗАМОНАВИЙ ДАВР ВОҚЕЛИГИГА МОС РАВИШДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА



1 — Ўзбек халқининг забардаст мутафаккири Алишер Навоий ўзининг туркий тилдаги “Хамса”сини буюк Низомий Ганжавий “Хамса”сидан илҳомланиб ёзгани бежиз эмас”.

Мазкур материалда Озарбайжон ва Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, тарихий дўстлик ва қардошлик муносабатлари янада ривожланиб, кўп йиллик синовлардан сўнг бугунги даражага кўтарилгани қайд этилган.

“2021 йил 31 март куни Туркий давлатлар ташкилотининг видеоконференция форматида бўлиб ўтган норасмий саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонни Қорабоғнинг қайтарилиши ва тарихий адолат тикланганини билан табриклади. Ўша йилнинг ноябрь ойида Истанбулда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг VIII саммитида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон маблағи ҳисобидан Фузулийда мактаб қурилишини айтган эди. Ушбу йўналишдаги ишлар аллақачон якунланган”, дея таъкидланади “report.az”да.

Бундан ташқари, шарҳда Президент Илҳом Алиев ва Президент Шавкат Мирзиёев ўртасидаги ишончли ва яқин дўстона муносабатлар Озарбайжон — Ўзбекистон алоқаларини юксак даражага кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнаши алоҳида урғуланган. Иккала Президент ҳам давлат ва расмий ташрифлардан ташқари, турли халқаро тадбирлар доирасида тез-тез учрашиб туришлари бежиз эмас.

“Муштарак илдиз ва узоқ тарихга асосланган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари бугун янги давр воқелигига мос равишда жадал ривожланмоқда. Давлатларимиз ўртасида бугунга қадар имзоланган 160 дан ортиқ ҳужжатлар, жумладан, Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш декларацияси уни янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Озарбайжон ва Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ўртасидаги кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган алоқалар ҳам нафақат давлатларимиз ва халқларимиз, балки бутун туркий дунё тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда”, дея якунланади мақола.

Озарбайжоннинг оммабоп “turkustan.az” порталида ҳам Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги ва мамлакатимиз раҳбарининг туркий дунёни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси ҳақидаги мақола муштарийлар эътиборига ҳавола этилди.

“Бирдамлигимизни, меросимизни буюк файласуфлар, меъморлар, рассомлар, шоирлар асраб-авайлашди. Ўзбек ипаклари, атласлари озарбайжонлик келинлар учун энг чиройли либос, шунингдек, кундалик ҳаётнинг безагига айланди. Озарбайжон халқининг миллий қўшиқлари ўзбек тўйларида севиб ижро этилмоқда. Маданий меросимизни ҳимоя қилиш орқали биз дўстлигимизни тажовузлардан ҳимоя қилдик”, деб ёзади мақола муаллифи Аида Эйвазли Гейтюрк.

Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг қадимий бинолари, тарихидан бизгача етиб келган меъморий обидалари билан туркий дунё маданиятининг бешиги бўлганини таъкидлаган.

“2022 йил 11 ноябрь куни жаҳон цивилизацияси маркази, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг IX саммити бўлиб ўтди, — дейилади мақолада. — Ҳатто 3500 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган қадим Самарқанднинг “Туркий цивилизация пойтахти” деб аталиши ҳам тарихнинг кинояси эмас, балки зарурат ва қўлдан бой берилган имкониятларнинг ўрнини босишдир. Чунки Самарқанд азалдан тараққиёт, маданият, илм-фан, маърифат, дўстлик маркази бўлиб келган. Ҳозир эса ушбу қадимий кентда — шайбонийлар, темурийлар, нақшбандийлар руҳи синган заминда туркий дунёнинг кўплаб масалалари муҳокама қилинмоқда, янги дунё тузумида янги қарорлар қабул қилиниши тарихни ортга қайтармоқда”.

Муаллифнинг қайд этишича, халқаро ташкилотлар сони, инвестициялар ҳажми, аҳоли сонининг ўсиш суръати бўйича Ўзбекистон ҳозир етакчи ўринни эгаллаб турибди. У, шунингдек, Ўзбекистон минтақада мувозанат ўрнатиб, анъаналарни сақлаб келаётганини таъкидлаган.

“Шу маънода, Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевни ислоҳотчи дейиш ўринли, — дейди Аида Эйвазли Гейтюрк. — Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакат тараққиёти суръатларини жадал оширмоқда. Бинобарин, у турк дунёси интеграцияси йўлида илк қадамни ташлаган Президент, у ўз номини тарихга ёзган етакчи, десак, адашмаймиз. Шавкат Мирзиёев анъаналар асосида яшайдиган давлат раҳбари. У соҳибқирон Амир Темур асос солган давлатга, ўзбек халқига ғоят муносиб хизмат қилмоқда. У Амир Темур йўли ва сиёсатини шараф билан давом эттириб, туркий дунёнинг бирлашувига, туркий давлатлар ташкилотининг диверсификациясига хизмат қиляпти”.

“Раҳбарларнинг узоқни кўра билиши улкан мақсадларга эришишга ёрдам беради. Етакчиларнинг умумий мақсадларни танлаши эса халқлар ва давлатларнинг параллел ривожланишининг калитидир. Бу содир бўлганда, халқаро ташкилотларга интеграциялашув жараёни соддалашади. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида давом этаётган параллеллик туркий давлатларнинг ташкил этилишида ҳам мувозанатни сақлашга хизмат қилмоқда. Туркий давлатларнинг қадриятлари ва маънавий алоқаларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг хизматлари жуда катта”, деб ёзади муаллиф.

Ушбу давлат оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 22 август куни Бокуга келиши, мамлакатимиз делегациясининг Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев мангу қўним топган жой ҳамда Шаҳидлар хиёбонига ташрифи, ҳамда олий даражада тор ва кенгайтирилган доирада музокаралар бошлангани ҳақидаги янгиликларни тезкорлик билан ёритди.

**«Дунё» АА.**
Боку

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

1 “Шуни тан олиш керакки, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШҲТ майдончасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмадик, — деди Президентимиз. — Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўшишимиз керак. Шу муносабат билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказишни таклиф этамиз”.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир халқаро учрашув ва конференцияларда озиқ-овқат хавфсизлиги мавзуига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб келади. Хусусан, Бокуда бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати мулоқот гуруҳи саммитидаги, “Глобал Жануб овози” онлайн саммитидаги, МДҲ давлат раҳбарларининг учрашувида сўзлаган нутқларида ҳам замонамизнинг энг ўткир ва долзарб муаммосига эътиборни қаратган эди.

Албатта, бу бежиз эмас. Гап шундаки, сўнгги йилларда инсоният пандемияга қарши курашиш билан бир қаторда, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожиаларнинг аянчли оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказмоқда. Бу муаммоларнинг кўлами тобора кенгайиб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф соляпти. Шу маънода, Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа фаолиятини янада кучайтириш тарафдоридир. Бу каби фавқулодда ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда офат оқибатларини самарали бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилишни ва бу институтни Ўзбекистонда жойлаштириш таклифини билдирди.

МДҲ давлат раҳбарларининг 2022 йил 14 октябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида эса давлатимиз раҳбари озиқ-овқат хавфсизлиги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши бўлиб қолаётганини, нарх-навонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ҳамда инфляцияни жиловлаш мақсадида МДҲ маконида озиқ-овқат маҳсулотлари тўсиқларсиз етказиб берилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Зеро, Ўзбекистон ўз ҳамкорларини узоқ муддатли фьючерс шартномаларини тузиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, эртапишар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга тайёр. Ўз навбатида, мамлакатимиз ғалла, ёғмой ва озуқабоп экинларнинг кафолатланган тарзда етказиб берилишидан манфаатдор. Барча давлатлар жаҳон савдо алоқалари заифлашуви, саноат ва логистика занжирлари узилишининг салбий таъсирини бевосита ҳис қилаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг бу каби таклиф ва ташаббусларни илгари суриши муҳим аҳамиятга эга. Бу билан, биринчидан, Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади, иккинчи томондан, ўз ишлаб чиқарувчилари, деҳқон ва фермерлари даромадини оширишга кўмаклашади.

Эътироф этиш керак, инсоният бугун мураккаб даврни бошдан ўтказяпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тизимлари учун жиддий синов бўлмоқда. Минг афсуски, бундай қийин



вазиятда энг катта оғирлик ва салбий таъсир, аввало, айнан ривожланаётган давлатлар зиммасига тушмоқда. Ўзбекистон раҳбари тўрт йил илгари пандемия туфайли таъминот занжирларида узилиш бўлиши, озиқ-овқат танқислиги юзага келиши мумкинлигини олдиндан кўра олган ва керакли чора-тадбирларни белгилаган эди. 2019 йили Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниб, катта ислоҳотлар бошланганини ҳаммамизга яхши маълум.

Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши ва жаҳондаги мураккаб вазият сабабли озиқ-овқат хавфсизлиги устувор масалага айланмоқда. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи ошиб бораётир. Бу кўпроқ Осиё давлатларида кузатилмоқда. Негаки, бу ҳудуд давлатларининг кўпчилиги истеъмол маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари ҳисобланади. ФАО ҳисоб-китобларига кўра, сайёрамизнинг очликдан азият чекаётган аҳолисининг ярмидан кўпи Осиё қитъасида яшайди. Парадокс шундан иборатки, бир вақтнинг ўзида айнан ушбу қитъа мамлакатлари жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Шунинг учун давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилишнинг яхлит тизимини яратиш зарур.

Бу масалалар ФАО шафелигида Самарқандда ўтказиладиган халқаро конференцияда муҳокама қилиниши белгиланган. Зеро, замонавий таҳдидларни фақат мулоқот, манфаатларни ҳисобга олиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбари илгари сурган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусининг асосий мақсади — инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда гуллаб-яшнаш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилган.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кўраётган чора-тадбирлари, давлатимиз раҳбарининг бу йўналишдаги таклиф ва ташаббуслари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, Анқара Инқироз ва сиёсий таҳлил маркази директори Меҳмет Сейфеттин Эрол Президент Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш йиғилишидаги нутқининг муҳим жиҳатларини эътироф этади: “Ўзбекистон раҳбари яна бир бор истисносиз Осиёнинг барча давлатларини ташвишга солаётган масалаларни кўтарди. Мен унинг янги геосиёсий воқеликлар минтақа барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳақидаги фикрига тўла қўшиламан. Бугунги кунда барча минтақа давлатларининг кун тартибидаги асосий масалалардан бири озиқ-овқат хавфсизлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор моделлари ва озиқ-овқат етказиб беришнинг мақбул занжирларини шакллантиришдан иборат бўлган ўз позициясини намойиш этаётгани баробарида Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилишнинг яхлит тизимини яратиш ташаббусини ҳам илгари сурмоқда”.

БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (IFAD)нинг Ўзбекистон бўйича масъул директори Фиди Ражаонсон фикрича, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат нархларининг ошиши ва қашшоқликнинг кучайиши каби умумбашарий таҳдидлар шароитида Ўзбекистон Президенти томонидан 2023 йилга мўлжалланган дастурда белгиланган тўртинчи устувор йўналиш — қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, қишлоқ ободлиги ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга инвестиция киритиш жуда долзарб аҳамиятга эга.

— IFADнинг ўтган йили Римда бўлиб ўтган Ижроия кенгаши йиғилишида Ўзбекистон билан 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган 600 млн. доллар миқдоридаги мамлакат дастури кўриб чиқилди, — дейди Ф. Ражаонсон. — Дастур доирасида келгуси 5 йил давомида қишлоқ аҳолиси, хусусан, деҳқонлар, аёллар ва ёшлар ҳаётини яхшилашга сармоялар йўналтирилади. Глобал инқирозларнинг минтақага таъсири кучаяётган бир шароитда Халқаро жамғарма дастури фермерлар учун рақобатбардош бозорларга кириш имкониятларини яхшилашга, инновациялар жорий этишга ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни кучайтиришга йўналтирилган. Шунингдек, ушбу дастурда гендер тенгликни таъминлаш учун аёллар фаоллигини ошириш чоралари кўрилади.

Деҳли шаҳридаги Жавоҳарлал Неру университети доценти Рашмини Копаркарнинг эътироф этишича, Ўзбекистон раҳбарининг озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига ёндашуви оддий инсонларга нисбатан эътиборнинг оддий кўринишидир. Ўзбекистон томонидан ШҲТга раислик чоғида озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқлимга чидамли қишлоқ хўжалиги амалиётига эътибор қаратилгани Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг тариқ маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга бўлган интилишида ўз ифодасини топган, шунингдек, бу бир вақтнинг ўзида барқарор қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларини рағбатлантиради.

Аслида ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар бир мамлакат сиёсатининг ажралмас қисмидир. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятларига бевосита боғлиқ.

Ҳамма нарса инсон ва унинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, бошоқли дон етиштириш ва харид қилишнинг янги тизими жорий этилиб, деҳқонларимизнинг омборлари донга, рўзғори қут-баракага тўлаётгани, аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро имтиёзли кредитлар ажратилгани, маҳсулот етиштириш, суғориш, уруғ ва кўчат сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар субсидия ҳисобидан қоплаб берилаётганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун ўтган йили 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очиқ электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилди. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжаликлар ташкил этилиб, 1 млн. 200 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеч шубҳасиз, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўлланиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига ҳам долзарб вазифалар қўймоқда. Соҳани барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр тармоқда бошлаган ислоҳотларимиз изчил давом эттирилади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни бошлаш назарда тутилган.

ФАО экспертлари бугунги кунда глобал чучук сув захирасининг 72 фоизи қишлоқ хўжалигига ишлатилаётганини айтмоқда. Таъкидланишича, дунё сув билан боғлиқ жиддий муаммоларга, айниқса, қурғоқчилик, сув тошқинлари ва сувнинг ифлосланишига дуч келаётир. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда 2,3 млрд. аҳоли сув танқислиги мавжуд бўлган давлатларда, 733 млн. киши ёки дунё аҳолисининг қарийб 10 фоизи сув танқислиги юқори ва кескин бўлган ўлкаларда истиқомат қилади. Марказий Осиё ҳудуди ана шундай минтақалар сирасига киради.



Мутахассислар фикрича, дунёда сувдан фойдаланиш амалиёти шу тариқа давом этса, 2050 йилга бориб қишлоқ хўжалигида чучук сув ресурсларига бўлган талаб қўшимча 35 фоизга ошиши мумкин. Бу муаммо глобал озиқ-овқат ва сув хавфсизлигини таъминлаш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги тараққиётга тўсқинлик қилади. Демак, сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш — давр талаби. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси асосида йиллар давомида тўпланиб қолган жиддий муаммолар, хусусан, йирик инфраструктура объектлари модернизация қилинаётгани ва айниқса, қишлоқ хўжалигида сув тежайдиган технологияларнинг кенг жорий этилаётгани эътиборга молик.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ этиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш белгиланган. Айниқса, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланаётган майдонларни 600 минг гектарга етказиш мақсад қилингани ва бунинг учун давлат субсидия дастурлари амалга оширилаётгани муаммоларнинг олдини олишга йўл очади.

Глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи ҳалокатининг Марказий Осиё минтақасига салбий оқибатлари таъсирида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида инвестиция, янги технология ва инновациялар жалб қилишда халқаро ҳамкорлик муҳим. Хусусан, Ўзбекистон БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйган. Давлатимиз раҳбари Италияга ташрифи чоғида ФАО бош директори Цюй Дунъюй билан учрашув ўтказди, унда Ўзбекистон билан ушбу халқаро институт ўртасидаги ҳамкорликни, энг аввало, аграр тармоқни модернизация қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби устувор йўналишларни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Умуман, Ўзбекистоннинг ФАО билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалари 66 та бўлиб, умумий қиймати 70,05 млн. долларни ташкил этади. Бугунга қадар жами 15,03 млн. долларлик 33 та лойиҳани амалга ошириш якунланди. Ҳозирда 33 та лойиҳа устида иш олиб бориляпти ва умумий қиймати 41,3 млн. долларга тенг 4 та лойиҳа ишлаб чиқиляпти.

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги қарийб 150 йиллик тарихга эга нуфузли Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (RAU) билан ҳамкорликда ташкил этилган Халқаро қишлоқ хўжалиги университети (IAU) ҳам келгусида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳада истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий усуллар асосида ривожлантириш ишига хизмат қилади.

Янги Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини очишдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш доирасида аграр соҳа учун замонавий талаб ва стандартларга мос юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат. Университетда агрономия, агроиқтисодиёт, агрологистика, биотехнология, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишлари бўйича ўқув дастурлари жорий этилган.

Ўзбекистон бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган давлатлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз дунёнинг 180 дан ортиқ давлатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилади. Аммо бу хотиржамликка асос бўлмайди. Шу боис ҳам халқимизни сифатли, экологик жиҳатдан тоза ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳамиша бардавом. Халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, ҳаёт фаровонлигини юксалтириш, аҳоли саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, миллат генофондини янада соғломлаштириш масалалари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида экани ҳам шундай хулоса қилишимизга асос бўлади.

**Акрамжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Андижон давлат университети ректори, биология фанлари доктори, профессор.**

# ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Барчамизга маълумки, юртимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини янгидан трансформация қилиш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.*

## Фикр

Хусусан, таълим ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Охирги бешолти йил давомида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди. Бу борада, айниқса, ёшларга сифатли таълим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилганини таъкидлаш зарур.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинар экан, биринчи навбатда, таълимни ривожлантиришга урғу берилиши қайд этилди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида кўмакка муҳтож ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича “ёшлар дафтари” ва жамғармаси ташкил этилди. Иқтидорли йигит-қизларнинг энг яхши ғоя, стартап лойиҳаларига қулай ҳамда енгил шартларда, зарур бўлса, фоизсиз кредитлар ажратилмоқда. IT-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, ҳудудларда “Креатив парк”лар очилиб, уларга IT-парк резидентларига берилган имтиёз ва енгилликлар қўлланилмоқда.

Умуман, бугун навқирон авлод билан ишлаш барча раҳбарлар, кенг жамоатчилик, бутун жамиятимиз, хусусан, парламент аъзоларининг устувор вазифасига айланди. Пировардида ёшларимизнинг ўзига ва келажакка бўлган ишончи ортиб, халқаро майдонларда ҳар бир соҳа ва йўналишларда муносиб ўринларни эгаллаб, юртимиз довруғини дунёга ёймоқда.

Табиийки, юртимизда таълим соҳасига бу даражада эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўли ва энг муҳим омили саналади.

Шу нуқтаи назардан, бугун юртимизда ёшларга таълим бериб келаётган ўқитувчиларга эътибор, муносабат тубдан ўзгарди. Педагогларимизнинг ойлик маоши ошириб борилмоқда. Ўқитувчиларга имтиёзли истеъмол кредитлари бериш, олис ҳудудга бориб ишлаётган юқори малакали педагоглар учун устама белгилаш жорий этилди. Бу саъй-ҳаракатлар орқали устозларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми янада юксалди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 52-моддаси иккинчи қисмида ҳам давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик кўрсатади, деб белгилаб қўйилди. Чунки таълим сифатини замонавий билимларга эга устоз ва мураббийсиз, ўқитувчисиз таъминлаб бўлмайди.

Бош қомусимизда келтирилган мазкур нормани ҳаётимизга татбиқ қилиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан келиб чиққан ҳолда педагогларнинг жамиятдаги мақомини юксалтириш, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва касбий камол топиши учун шароит яратиш, шунингдек, ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш масалалари янги қонунда тўлиқ қамраб олинмоқда.

Қолаверса, қонун лойиҳасида педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари, уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ҳам белгиланмоқда. Айни чоғда педагогларга бир қатор имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Жумладан, агар педагог илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлса, ҳар ойлик устама тўланиши кўзда тутилаётгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, давлат умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагоглар давлат томонидан ўқув қўлланмалар, бирламчи ўқув-методик материаллар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминланади.

Педагогнинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш масаласида муайян мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилганида давлат божи тўлашдан озод этилиши, илк бор касбий фаолият бошлаётган шахсга бир ўқув йили даврига ўқитувчи-мураббийликни амалга оширувчи педагогнинг бириктирилиши ва унга қўшимча ҳақ тўланиши каби кафолатлар ҳам мустаҳкамланаётир.

Мухтасар айтганда, янги қонун юртимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада юксалтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Ҳаётжон ТОЛИБЖОНОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети тьютори.**

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Шу йил 22 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.*

*Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мамлакатимизда устувор йўналишга айланди. Натижада тадбиркорларимиз республика иқтисодий қудратини ва экспорт салоҳиятини оширишга улкан ҳисса қўшмоқда. Улар инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратишда ибрат ва намуна кўрсатмоқда, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётир.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Мажлисда таъкидландики, дунёда юзага келган мураккаб вазият, транзит ва логистикадаги муаммолар, асосий иқтисодий ҳамкорларимиз бўлган давлатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши каби ҳолатлар Ўзбекистон иқтисодиётига, шу жумладан, бюджет ижроси жараёнига, пул-кредит, молия тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Ўз вақтида амалга оширилган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имкониятини берди. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 5,6 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмаси 29,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилнинг мос давридагига нисбатан 19,4 фоизга ўсган. Аҳолининг реал даромадлари 6,5 фоизга ошган ҳолда жон бошига умумий даромадлар 9,3 млн. сўмга етди.

Ҳисобот даврида мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига солиқ имтиёзларини бериш, солиқ тўловчиларга енгилликлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши натижасида Давлат бюджети даромадларининг ошириб (106,3 фоизга) бажарилишига эришилди.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлик тамойили сақлаб қолинган ҳолда умумий харажатларнинг 64,4 трлн. сўми ёки 50,0 фоизи ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун сарфланган. Бунда ижтимоий харажатларнинг 90,1 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларига йўналтирилган.

Муҳокамаларда депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бирга, айрим вазирлик ва идоралар томонидан Давлат бюджети харажатлари учун ажратилган маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлик ҳолатларига эътибор қаратди.

Хусусан, республика бюджетидан ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағлар 96 фоизга ўзлаштирилганига қарамасдан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида бу кўрсаткич 41 фоиз, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида — 52, Транспорт вазирлигида — 46, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида — 50, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида — 50, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида — 36, Маданий мерос агентлигида эса 19 фоизни ташкил қилганлиги танқидий баҳоланди.

Халқ вакиллари Давлат бюджети ижроси билан боғлиқ камчиликлар келгусида бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Ҳукуматни бюджетдан йўналтирилган маблағларнинг самарали, мақсадли сарфланиши ҳамда натижадорликка эришиш масаласига эътибор қаратишга чақирди ва юзага келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, очиқ ва таъсирчан чоралар кўриш бўйича таклифларни илгари сурдилар.

Ҳукумат аъзолари ушбу масалалар юзасидан изоҳ бериб, йўл қўйилган айрим камчиликларнинг сабаби сифатида тендер ўтказиш жараёнлари кўп вақт талаб қилаётганини қайд этишди.

Депутатлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидияларга ажратилган маблағларнинг 56,8 фоизи ишлатилгани, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан эса ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрларини юритиш харажатлари учун ажратилган маблағлар 37,3 фоизга бажарилгани сабаблари юзасидан масъуллардан изоҳ сўради.



Шунингдек, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларига ажратилган маблағларнинг бор-йўғи 76,3 фоизигина ўзлаштирилгани депутатларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлди.

Қизғин муҳокамалар давомида депутатлар бюджет маблағлари мақсадсиз ва ноқонуний сарфланишининг олдини олишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берди. Хусусан, озиқ-овқат ва дори-дармон воситаларига ажратилган маблағларнинг ноқонуний ўзлаштирилиши, товар-моддий бойликлар камомади, маблағларни пластик карталарга ўтказиш орқали ўзлаштиришлар, иш ҳақи ҳамда мукофот ва моддий ёрдам пулларининг ортиқча тўланиши, қурилиш соҳасида ҳамда давлат харидларида ортиқча харажатларга йўл қўйилганлиги бўйича тегишли вазирлик ва идораларга эътирозлар билдирилди.

Шу билан бирга, ички аудит хизматлари томонидан 2023 йил учун тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасини режалаштиришда ортиқча киритилган маблағларни мақбуллаштириш натижасида 150,0 млрд. сўм мақсадсиз ва ноқонуний харажатларнинг олди олингани депутатлар томонидан эътироф этилди.

Депутатлар мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, кўмир ва бошқа ёқилғи-энергия ресурсларини қишга ғамлаш борасида барча имкониятлар ишга солинаётганини эътироф этган ҳолда куз-қиш мавсумига оз фурсат қолганига қарамасдан иссиқлик таъминоти объектларини қишга тайёрлаш ишлари суст кетаётгани сабаблари билан қизиқди.

Хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига Давлат бюджетидан иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун харажатларга ажратилган маблағ 41 фоизга ижро этилгани танқид остига олинди.

Муҳокамалар давомида депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Қизғин савол-жавоблардан сўнг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

## Сўз — фракция раҳбарларига

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:**

— Давлат бюджети маблағларининг шакллантирилиши ва сарфланиши аҳолини энг кўп қизиқтирадиган масалалардан. Давлат бюджетини тасдиқлаш, ажратилган маблағларнинг тўғри ва самарали ишлатилиши устидан назорат олиб бориш эса парламентнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис қўмиталар ҳамда фракциялар томонидан Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли сарфланиши юзасидан доимий равишда парламент ва депутатлик назорати амалга оширилмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокамалар давомида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имкониятини берганини кўрдик. Ўзбекистон иқтисодиётида юқори ўсиш суръатларига эришилган. Хусусан, ҳисобот даврида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 5,6 фоизга ўсган. Бу ижобий ҳолат, албатта.

Ўтган даврда иқтисодиётда тадбиркорлик фаоллигининг ошганлиги, солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши натижасида легал фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари сони ортгани ҳам диққатга сазовор.

Шу жиҳатдан Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисобот давридаги ижросини қўллаб-қувватлаган ҳолда Ҳукумат эътиборини қуйидаги асосий масалаларга қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

**биринчидан**, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини, ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш нуқталари бўлган соҳаларни қўллаб-қувватлаш учун молиялаштиришни тўлиқ ва муддатли амалга ошириш зарур;

**иккинчидан**, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлашда мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш лозим;

**учинчидан**, партия электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, кластерлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Шу боис бюджет ресурсларининг ўз вақтида ажратилиши орқали уларни қўллаб-қувватлаш, қонунчиликда белгиланган субсидияларнинг ажратилиши алоҳида назоратга олиниши керак;

**тўртинчидан**, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини, шунингдек, инфляция даражасини белгиланган меъёрларда сақлаб туриш, Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимли чораларни давом эттириш лозим.

Зеро, бюджет маблағларининг ўз вақтида ўзлаштирилиши юрт ривожи, жамият қурилишини такомиллаштириш, ислоҳотлар самарадорлигига эришишда муҳим ўрин тутади.

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Бугун халқаро миқёсдаги инқирозлар барча соҳада ноанъанавий қарорлар қабул қилиш заруратини юзага келтирмоқда. Айнан шундай оғир вазиятда янги Ўзбекистон ислоҳотлари ўзига хос қийинчилик билан бўлса-да мақсадларга эришилаётгани эътирофга лойиқ.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этди. Инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 7,9 фоизга ўсди. Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар давом этмоқда. Бир пайтлар хомашё базаси бўлган иқтисодиётимиз бугун саноат ва хизматлар тармоғига асосланиб, жадал суръатлар билан ривожланяпти.

Айнан шундай эътирофлар билан "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясида Давлат бюджетининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси кўриб чиқилди.

Албатта, бугун ҳукуматга осон эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, дунёда юз бераётган инқирозлар мураккаб масалаларни тезкор ҳал этишни тақозо қилмоқда. Яъни иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида жиддий, кутилмаган ўзгаришлар, қарорлар қабул қилиняпти.

Энг асосийси, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларга эришяпмиз ва бунинг учун жуда катта интизом, машаққатли меҳнат талаб қилинаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда янги Ўзбекистон ислоҳотларида иқтисодиётимизнинг қон томирига айланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўлида муҳим қарорлар қабул қилинаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Соҳага берилаётган солиқ билан боғлиқ имтиёзлар бир томондан юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришда катта самара беришига шубҳа йўқ. Чунки тадбиркорлик ривожисиз мамлакатни, иқтисодиётни тараққий эттириб бўлмайди. Лекин шу билан бирга, бундай имтиёзлар солиқ тушумлари ҳамда бюджет учун даромад манбаларида ўзига хос қийинчиликларни ҳам туғдиради.

Демак, ҳукумат бугун олдимиздаги стратегик мақсад — иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш, ўстириш ва қудратли қилиш йўлида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва муқобил манбалар ҳисобига бюджетни самарали бошқариш каби вазифаларни ҳал қилиш масаласини кўндаланг қўймоқда. Айнан шу нуқтаи назардан, биз фракция йиғилишида Давлат бюджетининг ижроси масаласини кўриб чиқдик. Бу борада жуда кўп саволлар, фикрлар бўлди.

Бизни қийнаётган масалалар — ҳанузгача бюджет ижроси интизоми билан боғлиқ айрим камчиликлар бор, исрофгарчилик, мақсадсиз харажатлар давом этяпти. Шу билан бирга, бюджет ижросини таъминлашда кўплаб тўғри қарорлар ҳам қабул қилинганига гувоҳ бўлдик.

Фракция йиғилишида ушбу йўналишда бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги ижросини маъқуллаш бўйича қарор қабул қилдик.

Албатта, бир қатор таклифлар ҳам берилди. Жумладан, маҳаллий бюджетларни ривожлантириш орқали партиямиз учун устувор бўлган масала — таълим соҳасидаги инвестициялар самарадорлигини ошириш бўйича ўзимизнинг таклифларимизни илгари сурдик. Зотан, бу соҳани ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш, ёрдам кўрсатиш, шароит яратиш нафақат партиямизнинг, айни сиёсатимизнинг ҳам энг устувор вазифаси ҳисобланади.

**Зухра ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари:**

— Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби диққат марказида бўлди.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлик тамойили сақлаб қолинган ҳолда, умумий харажатларнинг 64,4 трлн. сўми ёки 50,0 фоизи ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун сарфлангани эътиборга молик. Бунда ижтимоий харажатларнинг 90,1 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларига йўналтирилганлиги мамлакатимизда ижтимоий давлат тамойилларининг устуворлигига эътибор қаратилаётганининг яққол далилидир.

Биргина соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар ўз самарасини бериб, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётир. Шу билан бирга, соҳада айрим камчиликлар ҳам учраб турибди.

Шундан келиб чиқиб, Ҳукуматнинг бюджетдан йўналтирилган маблағлар самарали, мақсадли сарфланиши устидан доимий назорат олиб бориш бўйича қуйидагиларга эътибор қаратишини таклиф этамиз:

**биринчидан**, Давлат бюджетидан маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва белгиланган лойиҳаларнинг кечиктирмасдан амалга оширилишини ҳукумат қаттиқ назоратга олиши ва таъминлаши лозим;

**иккинчидан**, Давлат бюджетига солиқ тушумларини оширишга қаратилган ислоҳотларни кучайтириш, бунда тадбиркорларга берилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланишига ва фаолиятини кенгайтиришига кўмаклашиш, шунингдек, "хуфиёна иқтисодиёт"га барҳам бериш чораларини кўриш орқали эришиш лозим, деб ҳисоблаймиз;

**учинчидан**, бюджет даромадларининг биринчи ярим йиллигида белгиланган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларни йил якунигача тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш зарур;

**тўртинчидан**, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ва хизматни янада яхшилаш керак.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:**

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил биринчи ярим йиллик ижроси якунлари тўғрисидаги Ҳукумат ҳисоботи таҳлилий муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида бюджет харажатларининг аксарият қисми партиямиз дастурий мақсадлари билан боғлиқ масалалар, яъни ижтимоий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилганлиги ҳамда давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятини бажаришга қаратилгани диққатга сазовордир.

Ҳукумат томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича ижобий ишлар амалга оширилганини ҳам эътироф этиш керак. Хусусан, 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида фойда солиғи тўловчилар сони 176 мингта бўлиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 12,1 фоизга ошган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари биринчи ярим йилликда 14,4 трлн. сўмни ташкил этгани натижадорлик ошаётганини кўрсатади.

Албатта, ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар кўлами жуда кенг. Шу билан бирга, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу борада Ҳукуматга бюджет маблағлари самарали сарфланиши юзасидан қуйидагилар таклиф этилди:

**биринчидан**, бюджет даромад қисмини кўпайтиришда норасмий секторда фаолият олиб бораётган фуқаролар даромадларини легаллаштириш муҳим манба ҳисобланади. Бу борада ҳукумат қандай аниқ чоралар кўраётгани, қандай реал натижаларга эришилаётгани ҳақида тегишли маълумотлар тақдим этилмаган. Фракциямиз келгусида мазкур йўналишда батафсил ахборот бериб боришни тавсия этади;

**иккинчидан**, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга Давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилмоқда. Лекин уларни ўз вақтида ва мақсадли ишлатишда айрим муаммолар кўзга ташланмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган бюджет маблағларининг мақсадлилиги ва самарадорлиги бўйича жиддий саволлар туғилмоқда.

Мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметаси 3,7 млрд. сўмга ортиқча режалаштирилган. Бу бир мисол сифатида келтирилмоқда. Мана шундай камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни қисқа вақтда бартараф этиш бўйича мутасадди вазирликлар ўзларининг таъсирчан чораларини кўриши керак, деб ҳисоблаймиз;

**учинчидан**, ҳисоботда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига ажратилган бюджет маблағларининг иссиқлик таъминоти объектларини реконструкция қилиш учун 41,1 фоизи сарфлангани кўрсатилган. Бу эса яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиляптими, деган саволни келтириб чиқаради.

Шуларни ҳисобга олиб, бюджет маблағларининг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли сарфланиши юзасидан Ҳукумат томонидан жиддий назорат олиб борилишини тавсия этамиз. Фракциямиз аъзолари ушбу жараёнларда фаол қатнашишини маълум қиламиз. Зотан, бюджет харажатлари очиқ-ошкора бўлиши, давлат идоралари, ҳудудлар унинг ҳар бир сўмини оқилона, тизимли равишда сарфлаши лозим.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:**

— Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа қатори атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, энергетик барқарорликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида жорий йилда Давлат бюджетидан экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид чора-тадбирлар учун 1 трлн. 767 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, бу маблағлар ҳисобидан атмосфера ҳавоси, сув ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, Оролбўйи минтақасининг экологик ҳолатини яхшилаш ишлари амалга оширилган.

Шу билан бирга, ичимлик ва оқова сув тизимларини ривожлантириш ишлари учун ҳисобот даврида 565 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 710,4 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари ётқизилган ҳамда 21 та иншоотда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилган.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг республикамиз ҳудудларига амалий ташрифларида барча даражадаги давлат органлари фаолиятида инобатга олиниши лозим бўлган қатор масалалар белгилаб берилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятида ўтказилган видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини "яшил" энергия билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўплаб мамлакатларда сув ресурслари йилдан-йилга камайиб кетаётганлиги оқибатида озиқ-овқат танқислиги кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланаётгани қайд этилди. Шунингдек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятларнинг кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш борасида амалга ошириш лозим бўлган вазифалар қўйилди.

Фракциямиз барқарор ривожланишнинг муҳим мезони сифатида тадбиркорликни ривожлантириш орқали Давлат бюджетига тушумларни янада кенгайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда бюджет тақчиллигининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Бу борада Президентимиз томонидан тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда қайд этилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида бюджет харажатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, юртимизда сув ресурслари тақчиллигининг олдини олишга қаратилган сув тежовчи технологияларни амалиётга татбиқ этиш учун Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

**«Халқ сўзи».**

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШИ КУТИЛАЁТГАН ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

*Олий Мажлис Сенати бир қатор қўмиталарининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳада изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришиб келинмоқда. Эндиги вазифа эса ана шу ислоҳотларни янги босқичга кўтаришдан иборат. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига айни руҳдаги бир қатор масалалар киритилган бўлиб, қўмиталар йиғилишларида улар худди шу мезон асосида кўриб чиқилди.*

## Сенат қўмиталарида

### Фирибгарлик жиноятларининг олди олинади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш, бизнес вакилларининг эркин фаолият юритишлари учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, ижара ва лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган амалий чоралар кўрилмоқда.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг йиғилишида дастлабки тарзда муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига валютани тартибга солишга, ижара ва лизинг муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга молик.

Қонун тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ижара ва лизинг борасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни самарали тартибга солишга қаратилган. Ҳужжат билан "Ижара тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги ҳамда "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, қонунчиликдаги бўшлиқлар оқибатида фуқаролар ишончига кириб, уларни ижара ва лизинг муносабатлари жараёнида алдов ва фирибгарлик йўли билан тушириб кетиш ҳолатлари учрамоқда.

Олий суд маълумотларига кўра, автомобилларни ижарага ёки лизингга беришдаги фирибгарлик жинояти бўйича 2020 йилда 10 нафар шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2 баравар ортган.

Ушбу жиноятлар оқибатида фуқароларга етказилган зарар 2020 йилда 8,2 млрд. сўмга етгани ачинарли. 2021 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 9 баравар ортиб, 69,3 млрд. сўм бўлган. Худди шу каби жиноят сабабли жабр кўрганлар сони 16 бараварга ортиб, 16 минг 805 тани ташкил этган.

Ана шу ҳаётий ҳолатдан келиб чиқиб, янги қонун билан ижара ва лизинг муносабатларида қонунийликни таъминлаш ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қатор нормалар киритилмоқда.

Ушбу қўшимча ва ўзгартишлар жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги ижара ва лизинг муносабатларини тартибга солишга, қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқни тўлдириб, соҳадаги қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этишга қаратилган.

Қўмита мажлисида Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини ўрганиш натижаси ҳам таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, Сурхондарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси доирасида қатор натижаларга эришилгани ҳамда бу борада келгусида амалга оширилиши зарур бўлган бир қанча масалалар мавжудлиги аниқланди.

2022 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми Сурхондарёда 34,8 трлн. сўмни, Хоразмда 31,9 трлн. сўмни ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан тегишлича 2,4 бараварга ва 6,5 бараварга ўсган.

Туризм соҳасини янада ривожлантириш борасидаги ишлар натижасида Хоразмда 19 та йирик савдо маркази, 121 та дам олиш ва соғломлаштириш марказлари ҳамда бошқа туристик объектлар ташкил этилган, туристларга хизмат кўрсатувчи сайёҳлик ташкилотлари сони 5 бараварга ошган.

Шу билан бирга, ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаганлиги туфайли Сурхондарёда вилоятнинг айрим туманларини 2021 — 2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида инвестиция лойиҳаси ишга туширилмаган.

Мажлисда ҳудудларда бандлик дастури ижросини таъминлашда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани, тадбиркорлик ривожланмаган маҳаллаларда микромарказларни ташкил этиш ишлари сустлиги айтилиб, масъулларнинг ушбу йўналишга доир ахборотлари эшитилди.

### Соғлиқни сақлаш органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги кучайтирилади

Ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш доирасида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг илғор тизимини йўлга қўйиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Айни чоғда соҳадаги ислоҳотлар натижалари, соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини ошириш, органлар ва муассасалар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш зарурати ҳам мавжуд.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси йиғилишида муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун шу мақсадда ишлаб чиқилган.

У билан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ярим йиллик якунлари бўйича соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурлари бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишни назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Бу билан вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади.

Мазкур ҳужжат билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга фуқаролар йиғинлари томонидан тегишинча аҳоли бириктирилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари раҳбарларининг соғлиқни сақлашнинг ҳолати ҳамда фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан, тегишли ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги ахборотини эшитишни назарда тутувчи ўзгартиш ҳам киритилмоқда.

Таъкидланганидек, бу қонун соғлиқни сақлаш органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳолати тўғрисида аҳолининг хабардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

### Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қандай бормоқда?

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида навбатдаги ялпи мажлисда муҳокама этилиши назарда тутилган Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бўйича бажарилган ишларни ўрганиш натижалари дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Унда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Муҳокама жараёнида ишончли ҳуқуқий база ва қулай сармоявий муҳит шакллантирилгани боис ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имкони яратилгани таъкидланди.

Сенаторлар ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш барқарор ўсиб бораётганини қайд этди. Хусусан, 189,9 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Инвестиция дастурлари доирасида 22,5 трлн. сўмлик 8700 дан зиёд лойиҳалар ишга туширилган, 13 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган, экспорт ҳажми 3 бараварга ўсган.

Сурхондарё вилоятида 2022 йилда 250 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилган ва бу 2017 йилдагига нисбатан 14 баравар ошган.

Шу билан бирга, сенаторлар идоралараро самарали мувофиқлаштириш ишлари йўлга қўйилмаганлиги сабабли бир қатор инвестиция лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилмаганидан хавотир билдирди.

Мажлисда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини кучайтириш, миллий туризм маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш масалалари таҳлил қилинди.

### Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишлари айрим жойларда ташкил этилмаган

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида Сурхондарё ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, вилоятда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилган бўлиб, бу борада яхши натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, 2022 йилда вилоятда камбағаллик даражасини қисқартириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида "темир дафтар"га киритилган оилаларнинг 99,3 фоизи камбағалликдан чиқарилган.

2023 йилнинг 1 июль ҳолатига "аёллар дафтари"даги 70 минг хотин-қизнинг 54,4 минг нафарига амалий ёрдам кўрсатилган. Ушбу мақсадда "Аёллар дафтари" жамғармасидан қарийб 21,6 млрд. сўм йўналтирилган.

Муҳокама жараёнида қўмита аъзолари амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, мавжуд камчилик ва муаммоларга ҳам эътибор қаратди.

Жумладан, субсидиялаш механизми асосида хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ишлари Бойсун, Жарқўрғон, Қизириқ, Қумқўрғон, Музработ, Сариосиё ва Шўрчи туманлари ҳамда Термиз шаҳрида ташкил этилмаганлиги айтиб ўтилди.

"Аёллар дафтари" жамғармасига 2022 йилда туман бюджетларининг даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан Ангор туманида 231 млн. сўм ва Қизириқ туманида 200 млн. сўм ўтказилмаганлиги қайд этилди.

Мажлисда вилоят ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш, шу жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигига эришиш масалаларини маҳаллабай ишлаш тизими асосида ўрганиш ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

*Йиғилишларда кўрилган масалалар бўйича Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ КЎПРИК

*Бугун янги Ўзбекистонни бунёд этиш, мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ҳаёт ҳақиқатига айланмоқда. Ушбу жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юртимизда ижтимоий-меҳнат соҳасини ривожлантириш, меҳнаткашлар ва касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож хотин-қизларга кўмак бериш билан бирга, ўз таркибидаги академия орқали малакали мутахассисларни камолга етказиб, бу улуғвор ишларга баҳоliқудрат камарбаста бўлмоқда.*

## Нуқтаи назар



Тузилманинг тизимдаги санаторийларида халқимизнинг соғломлаштирилишини ташкил этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳам алоҳида аҳамиятли.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам жамоамиз олдидаги муҳим вазифалардан. Тизимимизда ариза ва мурожаатлар билан ишлашда жамоат назорати йўлга қўйилиб, келиб тушган мурожаатларни муддатида кўриб чиқишга эътибор қаратилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига биноан янги иш ўринлари яратилиши устидан касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан жамоатчилик асосида назорат олиб борилмоқда. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари, ҳокимликлар билан ҳамкорликда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, биргина Тошкент шаҳрида жорий йил январь — июнь ойларида 5 минг 353 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. 2 минг 188 нафар ишсиз фуқаро меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитилди. 946 нафар юртдошимиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Шунингдек, ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 109 нафар фуқарога ишсизлик нафақалари тайинланди.

Мамлакатимиз бўйлаб меҳнат ярмаркалари мунтазам ўтказилмоқда. Уларда иш излаётган ҳамюртларимизга ҳуқуқий маслаҳатлар, ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш гимнастикалари жорий қилинди. Ўқув юртларида талаба ва ишчи-ходимлар ўртасида “Спорт — саломатлик гарови”, “Соғлом турмуш тарзи”, “Биз эпчил ва чаққонмиз”, “Футболимиз келажаги” каби спорт ҳамда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиляпти.

### Эртанги кунимиз таянчи

Ёшлар — эртанги кунимиз таянчи. Шу боис навқирон авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ана шу эзгу мақсад йўлида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан вазирликлар, идоралар, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари, ҳокимиятлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги қарори асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида Болалар соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти фаолияти йўлга қўйилиши эртамиз эгаларини соғломлаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган ишларни янги даражага кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Соғломлаштириш оромгоҳларида мавсум давомида болаларнинг муҳофазаси, қўриқланиши, ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена талаблари, озиқ-овқатларнинг сифатли бўлишини таъминлашга эътибор кучайтирилган.

Шунингдек, оромгоҳларда тиббиёт ходимлари томонидан атроф-муҳит ҳарорати ошган даврда юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш, алоҳида хавфли ва бошқа юқумли касалликлар тарқалишига йўл қўймаслик бўйича педагоглар, ота-оналар орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилиб, зарур тавсия ва кўрсатмалар беriляпти.

Жорий йилнинг ёз мавсуми давомида Тошкент шаҳри корхона ва идоралари тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 30 минг ва мактаблар қошидаги спорт майдончаларида 7 минг 800 нафарга яқин болалар дам олдирилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 32 мингдан зиёди соғломлаштирилди.

Барча оромгоҳларда Мустақилликнинг 32 йиллиги муносабати билан кенг қамровли маданий-маърифий тадбирлар, “Мустақиллик менинг тақдиримда” мавзуида адабиёт ва санъат намояндалари, таниқли спортчилар билан учрашувлар, “Соғлом бола — юрт келажаги” шиори остида турли спорт мусобақалари ҳамда болалар ўртасида истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар, қўлга киритилган натижалар акс этган “Бу менинг Ватаним!” мавзуидаги расмлар кўрик-танловлари, викториналар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Энг асосийси, ҳар бир боланинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг саломатлигини тиклаш ва дам олишини мазмунли ўтказиш қатъий назоратга олинган.

### Илм-фан — тараққиётга қанот

Юртимиз тараққиёти дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизими ривожи билан бевосита боғлиқ. Зеро, интеллектуал ва маънавий салоҳияти етук янги авлод кадрлар мамлакат равнақида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Янги Ўзбекистонда таълим, илм-фан соҳаларини замон андозаларига мос тараққий эттиришга катта урғу берилляпти. Мамлакатимизда илмий тадқиқот ва таълим хизматлари кўрсатиш бўйича хусусий сектор салмоғининг ҳам кенгайтирилаётгани, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотлари ташкил этилаётгани соҳада рақобат муҳитини кучайтирмоқда. Натижада ўз касбининг устаси бўлган, замонавий фикрлайдиган ва юксак марралар сари дадил интиладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш имконияти ошмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси Президентимизнинг 2021 йил 23 августдаги қарорига кўра ана шундай кенг миқёсли ислоҳотларнинг маҳсули ўлароқ дунёга келди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳаётимизга теран назар ташласак, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида ҳал қилиниши замон тақозосига айланган кўплаб масалалар йиғилиб қолганига амин бўламиз.

Сирасини айтганда, ташкилотларда меҳнат муҳофазаси хизматларини йўлга қўйиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этиш учун кадрлар етишмайди. Юртимизда меҳнат тиббиёти хизмати шаклланмаган. Меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг билим даражаси паст. Шу вақтга қадар меҳнат ҳуқуқи, меҳнат иқтисодиёти, инсон ресурсларини бошқариш каби йўналишларда кадрларни тайёрлашга етарлича эътибор берилмагани соҳада кўплаб муаммоларни юзага келтирди. Меҳнат муҳофазаси нормаларига амал қилиш бўйича профилактик ишларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ишлаб чиқариш жараёнида кўплаб бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда.

Меҳнат ҳуқуқи йўналиши бўйича мутахассислар етишмаслиги натижасида соҳада қонун бузилиши ҳолатлари сони ортиб бормоқда. Жумладан, касаба уюшмалари томонидан ҳар йили ушбу масалага оид ўртача 60 мингдан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилади.

Шароитларнинг санитария қоидалари нормалари ва гигиена нормативларига жавоб беришини аниқлаш бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга кадрларнинг етишмаслиги боис, ходимларнинг касб касалликларига чалиниш даражаси юқорилигича қолмоқда. Шунингдек, касб касалликларини даволаш ва профилактика қилиш ишлари лозим даражада амалга оширилмаяпти.

Тизимли илмий изланишлар ўтказилмаётганлиги, асосланган таклиф ва тавсиялар етишмаслиги туфайли соҳа ривожида дунё стандартлари даражасига кўтарилиш тобора мураккаблашиб боряпти.

Академиямиз ана шу муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш салоҳиятига эгалиги, соҳада халқаро талабларга мос малакали кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилгани билан эътиборни тортади.





### Қулай шароит ва кенг имкониятлар

Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари, меҳнат ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, меҳнат тиббиёти, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси йўналишлари бўйича олий малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш — асосий мақсадларимиздан биридир. Шу боис академияда таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш соҳаси билан узвий интеграциялашуви учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўтган вақт давомида қабул комиссиясига кундузги таълим йўналиши учун 1160 нафар, сиртқи таълим йўналиши учун 400 нафар абитуриент томонидан ҳужжатлар келиб тушди. Ўтказилган тест синовлари натижасида уларнинг 363 нафари кундузги ва сиртқи таълим йўналишларида таҳсил олиш имконига эга бўлди.

Академия битирувчилари келгусида давлат бошқаруви, фан ва таълим, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бошқа соҳа ва тармоқларда меҳнат фаолиятларини олиб боришлари мумкин. Умуман, олийгоҳ томонидан 2030 йилга қадар беш мингга яқин малакали кадрлар тайёрланиб, ижтимоий соҳанинг турли жабҳаларига етказиб бериш кўзда тутилган.

Академияда 20 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти юқори илмий салоҳиятли, малака, илмий унвон ва илмий даражага эга фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари ва PhD даражали доцентлар ҳисобланади. Энг муҳими, олий таълим даргоҳидаги ҳар бир ходим ўз касбини севувчи, илғор фикрлайдиган, ўз ишига креатив ёндашадиган мутахассислардир.

Олийгоҳда таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилади. Талабаларнинг ўз билим ва салоҳиятини бойитиши учун кенг имкониятлар яратилган. Электрон кутубхона, замонавий жиҳозланган лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона, ошхона ва буфетлар уларнинг ихтиёрида.

Олий ўқув юртида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, таълим жараёнини автоматлаштиришга алоҳида урғу берилляпти. Таълим бериш йўналишларига мувофиқ жорий этилган “ўқув жараёни” платформаси, фанлар бўйича ишчи дастурлари, мустақил ишлаш кўникмасини юксалтиришга йўналтирилган топшириқлар мажмуаси, таълим олувчиларнинг билимларини назорат қилиш усуллари мутлақо ўзига хос.

Бундан ташқари, талабалар учун ўқув биносида интернет бепул, улар кутубхона ресурсларидан масофавий ҳолда фойдаланишлари мумкин. Асосий машғулотлардан сўнг талабаларнинг фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд.

Бундай кенг имкониятлар ёшларимизнинг ўзлари истагандек билим олишига, юртимиз бугуни ва эртаси учун таянч ҳамда суянчга айланадиган етук мутахассислар бўлиб улғайишига хизмат қилади. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган меҳнат муносабатларини тубдан ислоҳ этиш, фуқароларимизнинг меҳнат соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бандлик масаласини ҳал қилиш, камбағалликни қисқартиришдек эзгу ишларга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

### Вазифалар кўп, мақсадлар улкан

Мамлакатимизда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Айни йўналишда ташкилотимиз олдига қўйилган вазифалар кўп, мақсадларимиз улкан. Жумладан, халқимиз маънавиятини юксалтириш, юртдошларимизни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғломлаштириш, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга қаратилган ишларни янада кучайтирамиз.

Норма ижодкорлиги ишларида қатнашиш, халқаро ва миллий меҳнат стандартларини тарғиб қилиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратини уюштириш фаолиятимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Келгусида ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш, давлат органлари, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида меҳнат соҳасидаги муҳим масалаларни ҳал этиш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тизимини йўлга қўйишда кўмаклашамиз. Аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат соҳасида гендер аудитини ўтказиш амалиёти кенгайиб боради.

Касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишини рақамлаштириш, замонавий электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этишни жадаллаштириш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида фаол ахборот-тушунтириш ишларини олиб боришни режалаштирганмиз.

Халқаро ташкилотлар, халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари ва хорижий давлатлар касаба уюшмалари билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришимиз юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Келгусида меҳнаткашларнинг асосий меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишида иш вақти ва дам олиш вақтлари билан боғлиқ вазиятни, шунингдек, тарифсиз иш ҳақи тизимлари ва бандликнинг ностандарт шакллари (аутстаффинг, бошқа иш берувчига хизмат сафарига юбориш, платформали бандлик)нинг таъсирини баҳолаш учун социологик тадқиқот ўтказиш ишларини мувофиқлаштирамиз.

Бугунги кунда жаҳонда ва минтақамизда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар, мамлакатимизда олиб борилаётган муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган янги ғоя ва ташаббуслар, ўртага қўйилаётган долзарб вазифа ва масалалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, шу билан бирга, меҳнат ва ўқув жамоаларида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар, маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг самарадорлигини оширишда фаол иштирок этиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қолаверади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бундан кейин ҳам халқ ва давлат ўртасидаги ишончли кўприк бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**Сайфулло АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси.**

Реклама

# Диққат, танлов!

**«Уз-Донг Жу Пеинт Компани» МЧЖ ҚКнинг ижроия органи, яъни корхона директори ва директор ўринбосари лавозимига танлов ўтказилмоқда.**

***Унда қатнашиш истагини билдирган номзодлар қуйида келтирилган хужжатлар билан Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси танлов комиссиясига мурожаат этишлари мумкин.***

1. Номзод объективкаси;
2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасининг бакалавр дипломи ёки хорижда олий таълим олганлиги ҳақида бакалавр дипломи;
3. Магистр дипломи ёки хорижда олий таълим олганлиги ҳақида магистр дипломи;
4. Илмий унвони (фан номзоди, фан бўйича фалсафа доктори, фан доктори) ва илмий даражасини (доцент, катта илмий ходим, профессор) тасдиқловчи ҳужжати;
5. Қўшимча олий маълумот олганлиги (иккинчи, учинчи) ҳақидаги диплом;
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра лавозимга тайинланганлиги бўйича хужжат;
7. Давлат ташкилотларининг маъмурий-бошқарув лавозимларида иш тажрибаси;
8. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижобий тавсияномалар (мавжуд бўлган тақдирда);
9. Хорижий мамлакатларда раҳбарлик лавозимларида (директор, директор муовини, менежер, супервайзер) иш тажрибаси ёки хорижий юрисдикциядаги масалаларни ҳал қилишнинг амалий тажрибаси (ижобий тавсияномалар мавжуд бўлса);
10. Танлов эълон қилинаётган соҳадаги раҳбарлик тажрибасини (Бошқарув раиси/директор, Бошқарув раиси/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар — бош муҳандис, бош механик, бош иқтисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқалар), тасдиқловчи ҳужжатлар;
11. Хўжалик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибасини (узоқ йиллардан буён ишлаганлиги) асословчи ҳужжатлар;
12. Хўжалик жамиятлари кузатув кенгаши аъзоси сифатида иш тажрибаси;
13. Давлат назорати органи ходими, судья, Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси;
14. Хорижий тиллардан (рус, инглиз, корейс, немис, француз) бирини мукаммал билиши, қолганларидан иккитаси ёки ҳаммасини билиши;
15. Амал қилиш муддатига эга корпоратив бошқарувчи малака аттестати (мавжуд бўлган тақдирда);
16. Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси, аудитор, суғурталовчи, баҳоловчи, суд бошқарувчиси малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи амал қилиш муддатига эга ҳужжатлар (мавжуд бўлган тақдирда);
17. Компьютер билимдонлиги — МС Оффисе, МС Эхсел — ишончли фойдаланиши;
18. Ҳужжатлар ёпиқ конвертда комиссия аъзоларига 2023 йил 1 сентябрга қадар тақдим этилади.

(Аризаларни қабул қилиш вақти соат 9:00 дан 18:00 гача).

**Мурожаат учун телефонлар:**
**74-223-25-06, 74-223-21-72**
**Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 126-уй, Кенгашлар уйи биноси 4-қават, 402-хона.**

**Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олган ҳолда, «Гематология ва трансфузиология» ихтисослиги бўйича 2023/2024 ўқув йилида**

**КЛИНИК ОРДИНАТУРА (РЕЗИДЕНТУРА)ГА ҚАБУЛ БОШЛАНДИ.**

Клиник ординатура (резидентура)га қабул борасидаги саволларингиз билан марказнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари А. Д. Маҳмудова (+998993 5500092) ва илмий котиб М. У. Нарметовага (+998990 3290035) мурожаат этишингиз мумкин.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси собиқ ходим Фирюза Кубаревага падари бузруквори

**Шамиль Саттарович НИЯЗОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5 6